

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2026-yil 21-may, payshanba

21 (9393)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ҒЎЗАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИ

ЁХУД МИРЗАЧЎЛ ТАЖРИБАСИ

Президентимизнинг ўтган йил 9 декабрдаги "Пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори пахта ва ғаллачилик соҳасида янги босқичдаги ишловларни белгилаб берди. Қарордан қўзланган мақсад, хорижий тажриба асосида интенсив технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларидан

тириш ишлари баҳорда амалга оширилди, экиш олдидан фосфорли 140 кг/га ва калийли 50 кг/га. минерал ўғитлар сепилиб, чигит экилди. Азотли ва калийли минерал ўғитлар томчилаб сугориш агрегати орқали 5 марта берилди. Вегетация даврида қатор ораларига ишлов ўтказилмади. Бир марта "Спрут экстра" гербициди билан гектарига 4 литрдан ишлов бериш орқали бегона ўтлардан тўлиқ тозаланди.



фойдаланиш ва фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали ҳосилдорликни кескин оширишдир.

Президентимиз раҳбарлигида ўтган йилнинг 10 декабр куни Қўқсарой қароргоҳида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, айниқса, чўл ҳудудларида пахта ва ғалла етиштириш самарадорлигини оширишга қаратилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Мирзақўлда амалга оширилган илғор тажрибалар кенг муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, Жиззах вилоятининг Мирзақўл ҳудудидаги кластерда чўл шароитида пахтадан гектарига ўртача 50-55 центнер ҳосил олишга эришилди. Энг эътиборли жиҳати, кластерга бириктирилган 27 та фермер хўжалиги замонавий агротехнологиялар, илмий ёндашув ва самарали бошқарув натижасида ҳосилдорликни гектарига 85 центнергача етказди. Бу натижалар чўл ҳудудларида ҳам юқори ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлаб берди. Жумладан, Мирзақўл туманидаги "Қуёшли водий" фермер хўжалигининг 13,7 гектар майдонда ғўзанинг Хитойдан келтирилган "XINLUZHONG 76" навини 76x10 см. схемада, қўшқаторлаб экиш билан бирга қатор орасига томчилаб сугориш шланглари тўроққа 5-7 см. чуқурликда қўмилиб, сугориш ишлари амалга оширилди. Озиқлан-

Вегетация давомида 8 марта сугориш тадбирлари ўқазилди ва кузга бориб, ушбу майдондан 60 ц/га дан зиёд пахта ҳосили териб олинди, қатор орасига икки марта культивация билан ишлов берилиб, гектарига 260 кг. дан кузги буғдойнинг "Тром" нави НРУ-05 агрегати орқали экилди ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар сепилиб, чигит экишда ишлатилган шланглар ёрдамида сугориш ва азотли минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Май ойининг биринчи ўн кулигида кузги буғдой гуллаш фазасига кирди ва 1 м2 майдонда ўртача 800 дона маҳсулдор пая (бошқо) борлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида буғдойдан энг юқори ҳосил олиш имконини берадиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунгача 8 марта томчилаб сугориш ишлари олиб борилди. Тўлиқ пишиб етулгунча яна уч марта сугориш ишлари олиб борилса, гектардан камидан 100-120 ц/га ғалла олиш мумкин. Ғалла йиғим-теримидан сўнг қатор оралари культивация қилиниб, такрорий экин сифатида мош экилиши режалаштирилмоқда. Агар мош уч марта сугорилиб, икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилса, гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚМОҚДА

Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда уруғчилик соҳаси устувор йўналиш саналади. Шу мақсадда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази жамоаси маҳаллий доира билан чекланиб қолмасдан, халқаро алоқаларини кенгайтириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.



Айниқса, Нидерландия, Хитой, Туркия, Жанубий Корея ва Польша каби давлатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорликлар соҳанинг янги босқичга чиқишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Нидерландия билан олиб борилаётган ҳамкорлик қўлами ва амалий аҳамияти билан алоҳида ажралиб туради. Жорий йилнинг 4-11 май кунлари Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори ўринбосари Шермухаммад Аминов бошчилигидаги сабаботчилик соҳаси мутахассисларидан иборат делегация ушбу мамлакатда қисқа муддатли малакавий амалиёт ўтади. Сафар давомида делегация "Naktuinbouw", "Плантум – Нидерландия селекционерлар уюшмаси", "НАК", "Агрисо", "Де Руйтер" ҳамда "Rijk Zwaan" каби уруғчилик

ва селекция соҳасида фаолият юритувчи йирик компания ва ташкилотларда ҳамкорлик учрашувлари ташкил этилди. Унда Нидерландиянинг замонавий уруғчилик тизими, инновацион ёндашувлари ҳамда селекция жараёнидаги илғор тажрибалар билан яқиндан танишилди.

Таъкидланганидек, ҳудуди нисбатан кичик ва аҳолиси 18 миллион атрофида бўлишига қарамай, Нидерландия қишлоқ хўжалиги ҳамда уруғчилик соҳасида дунёнинг етакчи давлатларидан бири ҳисобланади. Мамлакат жаҳон уруғчилик экспортининг қарийб 24 фоизини таъминлайди. Айниқса, сабабот, картошка ва манзарали ўсимликлар селекциясида мулақатчи ўринда туради. Учрашувларда УПОВ конвенцияси асосида ишловчи тизимнинг

интеллектуал мулк ҳимояси, хусусий секторнинг илмий-тадқиқот ишланмаларига катта маблағ йўналтириётгани ҳамда кучли қонунчилик ва инновацион инфратузилма мамлакат муваффақиятининг асосий омилларидан бири экани қайд этилди. Мутахассислар Нидерландия Алгемене Кеурингсдиенст каби етакчи ташкилотлар фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Ўзбекистонлик мутахассисларга уруғларни сертифицилаш тизими, лаборатория назорати, ДНК маркерлари асосида селекция олиб бориш, вирус ва бактерияларни аниқлаш ҳамда нематодларга қарши курашишнинг замонавий усуллари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

"ОҚТЕПА" КАНАЛИДА БЕТОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

"Мирза-Пай" ирригация тизими бошқармасига қарашли. Булунғур тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи "Оқтепа" канали 1960 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, бугунги кунга қадар Булунғур ва Жомбой туманларига сугориш хизмати кўрсатиб келмоқда. Канал орқали сугориладиган умумий майдон 7 565 гектарни ташкил этади.



Каналнинг самарали ишлаши, сув йўқотилишини камайтириш ва оқим барқарорлигини таъминлаш мақсадида 23,5 километр масофада бетонлаштириш ишлари режалаштирилган. Ҳозирда ушбу ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Кенг қўламли реконструкция жараёнига 7 та экскаватор ва 8 та бетоноқорғич техникалар жалб этилган бўлиб, ишлар белгиланган муддатларда якунига етказилиши кўзда тутилган.

Зарафшон ИТХБ матбуот хизмати

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ЭЛ СИЗНИ ИЗЗАТУ ИКРОМ ЭТСА АРЗИР

Ҳар бир заминнинг юзи бўлган инсонлари бор. Улар номи тилга олинини билан беихтиёр ўша жой кўз олдингизга келади. Икромхон Нажмиддинов ҳам шундай инсонлардан. Унинг номи, шънини Намангандан айро тасаввур этиб бўлмайди...

"Эл-юрт хурмати" ҳамда "Меҳнат шухрати" орденлари соҳиб, "Нуруний" жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси Икромхон Нажмиддинов ҳар қандай инсон хавас қиларли шижоат, ғайратга эга. Бу инсонни таниган-билганлар у кучни халқига, Ватанига бўлган садоқатидан олишини таъкидлашади. Яна у адолатга, эзуликка таянади. Ҳақиқатдан ҳам Икромхон ака шу пайтгача жуда кўп масъул лавозимларда фаолият юритди. Ҳар бир иш юритган соҳа ва жамоасида тартибни, адолатни, ишга бўлган масъулиятни қарор топтирди. Содда қилиб айтганда, ишлаган инсонни қадрлади, ёшларга қанот бўлди, муаммоларга энг тўғри ва самарали йўл билан ечим топди. Шунинг учун ҳам 1997-1999 йилларда Тўрақўрғон тумани ҳокими, 2004-2008 йилларда эса Наманган вилояти ҳокими, Ўзбекистон



Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмасулот" давлат акциядорлик корпорацияси бошқарув раиси бўлиб ишлаган йилларида одамлар, эл-юртнинг меҳрини, хурматини қозонди.

Биз доим фидойилар ҳақида

сўзлаганимизда, "юрт ишига умрини бағишлаган", "эл ишига камарбаста инсон", деган ибораларни тилга оламиз. Бизнинг қахрамонимизга ҳам бу иборалар жуда ярашади, ҳаттоки камлик қиладигандек. Бироқ мен доим бу таъриф ортидаги йил-

лар давомида қилинган меҳнат, чекилган заҳмат, тотилган машаққат ҳақида ўйлайвераман. Икромхон ака эл хурматида осонликча сазовор бўлиб қолганлари йўқ. У мамлакатимиз эндигина мустақилликка эришган, давлат сифатида эндигина оёққа тура бошлаган йилларда раҳбар, туман ва вилоят ҳокими бўлиб ишлаган умр деганлари шу бўлса керакда, дея дуо қилганларига гувоҳ бўлганман неча бор.

– Устозни 1996 йилдан, яъни Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят "Истиқбол стат" бош бошқармаси бошлиги бўлиб ишлаган вақтларидан яхши биламан, – дейди Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув маркази директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Раҳмонжон Эгамбердиев.

(Давоми 2-саҳифада)

АЖРИМ СОЯСИДА ҚОЛАЁТГАН БОЛАЛАР

Оила жамиятнинг энг нозик ва муқаддас, шу билан бирга мустақам пойдеворидир. Шу боисдан ҳам бизда азалдан оилани муқаддас бир қўرғон сифатида эъзозлаганлар. Унинг мустақамлигини таъминлаш оила катталарининг қолаверса, маҳалланинг олдидаги муҳим вазифа бўлган. Лекин афсуски, бугун ана шу муқаддас ва мустақам қўрғон деб аталмиш оиланинг устунларига пупур етаётгандек.



Арзимаган сабаблар боис гулдек оилаларнинг ажрим ёқасига келиб қолаётгани ачинарли. Зеро, менинг бир кунлик ўрғанишларим давомида кўрган ҳақиқатларим дилимни жуда ранжитди. Тўғриси, мен оила аъзоларининг ота-оналик бурчи, эр-хотинлик масъулиятини, фарзандлар олдидаги мажбуриятларини унутмаётганлари боис ажрим соясида қолаётган норасида болаларга ачиндим.

Мен ўрганган бир хонадонда 4 нафар фарзанд бор экан. Ажрим ёқасидаги ушбу оилада ота-онанинг ҳар бири ўзича ҳақ. Эрининг топган пулини ҳавога совурган аёл, 20 йиллик турмуш давомида бошпана қилишга улгурмаган ота ва ҳоказо... Лекин ҳеч ким болаларнинг "биз ким билан қоламиз?", "биз нима айб қилдик?", деган саволларига жавоб беролмайди. Бу ерда энг ачинарлиси, оилада 4 нафар боланинг борлиги. Бу Оллоҳнинг энг катта инояти аслида. Бугун орамызда 10-15 йиллик турмуш давомида фарзанд тирноғига зор бўлиб, лекин бир-бирини қўлаб, меҳр билан яшаётган оилалар қанча. Ваҳоланки, оналик меҳрини ҳис қилиш учун битта бола асраб олиш учун рўйхатда турган минглаб оилалар бор. Ачинарлиси, 4 нафар гулдек фарзандлари бўла туриб ажралишни истаётган эр-хотиннинг ҳаракатларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Иккинчи оилада эса сабаб – ташқи таъсир ва мустақил қарорнинг йўқлиги. Аёл жуда меҳнатқаш, оила учун курашаётган сабр-бардошли инсон. Лекин эр хиёнаткор. Эр-хотин ўртасида айланаётган гап-сўзлар, аралашувлар аллақачон оиланинг парокандалигига сабаб бўлган. Бу ерда болалар бор, лекин оилада "ота-она" деган ягона тушунча йўқ.

Учинчи оилада икки нафар фарзанд бор. Бу ерда ажримнинг сабаби келиннинг ўйламай қўлган хатоси, телефон орқали бошқа бир инсон билан суҳбатлашгани. Эр ва қайнона уни хиёнаткор деб баҳолаган.

(Давоми 3-саҳифада)

Йигитларни оила қуришга тайёрлаш, эрлик, кейинчалик оталик масъулияти қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ

АЖРИМ СОЯСИДА ҚОЛАЁТГАН БОЛАЛАР



Гавҳар АЛИМОВА, Каттақурғон шахри ҳокими.

(Боши 1-саҳифада)

Оилаларни яраштиришдаги бир кунлик ўрганишларим афсуски, менинг қалбимда оғриқли из қолдирди. Ачинганм шуки, ажралишни истаётган эр-хотинлар эмас балки, ажримлар соясида қолиб, қалби ўқсиз-ётган, ширин болалиги ўғирланаётган 11 нафар болаларнинг тақдири бўлди. Доно халқимиз бежиз айтмаган: “Бир оила бузилса, арши аъло ларзага келади”. Бу шунчаки гап эмас, бу ҳаёт ҳақиқати.

Оилани мустаҳкамлаш учун аввало унинг устунлари бақувват бўлиши лозим. Янги оилани барпо этаётган катталар, ота-оналар оила қураётган йилгит ва қизнинг қарашлари, маънавияти, фикрлаши бир-бирига мосми, зарурат туғилганда бир-бирини қўлай оладими, қийинчиликларни бирга енга оладими, деган саволлар ҳақида ўйлашлари керак. Зеро, ҳаёт бир текисда кетмайди-ку. Бу саволларга жавоб аслида тўйдан аввал топилиши даркор. Ушбу масалага ҳаттоки буюк бобокалонимиз Амир Темур жуда жиддий ёндашган. Бу борада Соҳибқирон шундай дейди: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали сўзлик-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, тўй туширдим”.

Ҳўш, бугун бизда-чи? Афсуски, бугунги оғриқли ҳақиқат шуки, бизда янги мустаҳкам оила барпо этишга эмас балки, дабдабали тўй қилишга шошладилар. Аксарият оила катталари топарман-тутарман, обрўли жой билан қўда-анда бўлишни ўйлашади. Қолаверса, фарзандини бировдан кам қилмай сарпо-сурғунни зўр қилишни, машхур санъаткорларни тўйга айтишни, нуфузли тўйхоналарда базмини ташкил этишни биринчи ўринга қўяди. Қариндош-уруғлар билан ўтадиган тўй маслаҳатида бир кунлик тўй муҳокама қилинади, холос. Лекин ҳеч ким икки ёшнинг келгусида оилани қандай мустаҳкам сақлаши, уларга қандай ёрдам кераклиги ҳақида ўйламадилар.

Тўй ҳам ўтди, дейлик. Ана энди қайнона бўлиши оилага янги келган келинни парвариш қилиш, янги муҳитга меҳр билан мослаштириш ўрнига унинг ишларидан камчилик қидира бошлади. Келин ҳам бир ниҳол мисоли. Янги ниҳолни ҳам ерга қадаганда яхшилаб парвариш қилинсагина илдики мустаҳкам дарахтга айланади. Акс ҳолда секин эсанг шамол ҳам уни қулатади. Оиладаги қайнона ҳам қачонлардир келин бўлган. Ўзи босиб ўтган йўлни, ҳаёт тажрибаларини янги келинга тушунтирса, меҳр берса, келин ҳам янги

шунча гаплар унутилармикан, муносабатлар яна аввалгидек бўлармикан? Лекин айрим аёллар оилани асрайман, ундаги гапларни кўчага чиқарсам турмуш ўртоғимнинг хурмати йўқолади, деб тазийқ ҳақоратлар остида ашаса-да, сабр қилади. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг аксарияти ана шундай тарзда ҳаёт кечирган аёлларга тўғри келмоқда. Аёл мажбур эмас ўз ҳаётини уни бахтли қилишга қодир бўлмаган эркак учун фидо қилишга...

Яна бир оғриқли нуқталардан бири оилага учинчи шахснинг аралашуви.



муҳитга тезроқ қўникади, мослашади. Келин оилага келгани, уни бегона эмас, ўз қизидек қабул қилиш керак. Қайнона фақат талаб қилувчи эмас, ўргатувчи, йўл кўрсатувчи бўлиши зарур. “Сен бундайсан, сен ундайсан”, деб турткилаш эмас, “кел, бирга ўрганамиз”, деб қўйдан ушлаш жоиз.

Нимагадир ажрим ёқасидаги оилаларда келинни, аёлни айбдор қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Бу эса жуда нотўғри. Аёл она, аёл турмуш ўртоғи, аёл келин. Унинг вазифалари кўп оилада. Энг муҳими оилалар давомчиси бўлиш фарзандни дунёга келтирадиган, наслини давом эттирадиган зот. Шунинг ўзи унинг қанчалик буюк ва сабрли эканини кўрсатади. Демак, уни тушуниш, камчиликларини кечирish, энг муҳими, қўлаб-қувватлаш даркор. Аёлни айблаш осон. Лекин унинг ёнида туриш, далда бериш – ана шу ҳақиқат инсонийлик барча қайнона ва оила аъзоларига ҳам хос эмас.

Оила муқаддаслигининг яна бир жиҳати шундаки, эр-хотин ўртасида, оилада сирлар бўлади. Уни бошқалар билиши шарт эмас. Афсуски, ажримлардаги айрим ҳолатларда бир ёстикқа бош қўйган эр-хотинлар ана шу муқаддас сирларини бегоналар олдига ошқор қиладилар. Улар ярашгандан сўнг юзлардаги пардаларни узиб айтилган

Бу ўтга ёғ сеппи кабидир. Бир томондан гап, иккинчи томондан гап, орада эса ёшлар изтироби. Оила – икки инсоннинг ҳаёти. Уни барбод қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. У опаим, сингли ёки ака, ука ё бошқа яқин қариндош...

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш лозим деб, ўйлайман. Аксарият ҳолларда оилани мустаҳкамлашда фақат қизлар билан, келинлик билан иш олиб борилади. Нимагадир иккинчи томон эркак кишининг бу борадаги масъулиятига унчалик эътибор қаратилмайди. Қизларга қисман бўлсада мактабда ёки уйда оилага тайёрлаш бўйича тушунтиришлар берилади. Лекин йигитларни оилага тайёрлаш масаласи кун тартибидега эмас. Бу борада султаскилик устувор. Ушбу масалага бугун Ёшлар ишлари масъулари жиддий ёндашишлари лозим. Йигитларни оила қуришга тайёрлаш, эрлик, кейинчалик оталик масъулияти қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, оилада оталар бу борада намуна бўлиши керак. Уйдаги ўғил фарзандлар отасининг турмуш ўртоғига, қизларига қилаётган муомаласини кўриб улгайди. Улар эртага отага ўхшаган турмуш ўртоғи бўлади. Чунки “қуш уясидега кўрганни қилади”, деган нақл бор халқимизда. Эркак киши оиланинг бош устуни.

Қайсики, хонадонда эркакнинг гурури баланд, масъулияти астойдил бўлса, оила бекаси аёл бахтли бўлади, оилада катта бўлаётган қизлар ҳам ор-номусли, саранжом-сарийшталик, илмли бўлиб етишади.

Шуни таъкидлаш жоизки, оила, эр-хотинлик муносабатлари динимизда ҳам муқаддас ришта ҳисобланади. Бу риштани бонлаш, оила барпо қилишда катта мақсадлар кўзланган. Шу сабабдан ҳар иккала тарафга ҳам ўзига яраша масъулиятлар, бурчлар, вазифалар юклатилган. Эркакнинг ўз аёли олдида моддий ва маънавий бурчлари бор. Оила қурилгач, аёлига, фарзандларига илм бериш, уларга яхши муносабатда бўлиш, тинч-тотув, осойишта ҳаётини таъминлаш эркакнинг маънавий бурчи ҳисобланади.

Юқорида айтганимиздек, бутун ҳам жамиятимизда ажримларнинг олдини олиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш олдимизда турган асосий ва долзарб масалалар. Албатта, бу борада Каттақурғон шаҳрида ҳам тизимли ишлар олиб бориш керак. Статистикага эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йил мобайнида шаҳарда ажримлар натижасида 35 нафар бола ота-онаси алоҳида яшайдиган шароитга тушиб қолган. Бу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар чоршанба куни шаҳардаги “Оила маскани” да оилавий масалаларга бағишланган қабул ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. Унда ажрим ёқасидаги оилалар, низоли жуфтликлар ҳамда муружаат қилган хотин-қизлар билан очик мулоқотлар ўтказилиб, муаммоларни жойида ҳал этишга эришилаётди.

Қолаверса, маҳалла ва масъул ташкилотлар ҳамкорлигида оилавий низолини бартараф этиш, ажримларнинг олдини олиш, алимент масалалари ва хотин-қизлар муружаатларини комплекс ҳал этишга қаратилган қўшма қарор доирасида “Самарқанд тажрибаси” ни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қарор асосида шаҳарда “Нуроний” жамғармаси шаҳар бўлими, Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда маҳаллалар уюшмаси ҳамкорлигида 55 нафар фаоллардан иборат “Жамоатчилик овози” гуруҳи ташкил этилди. Ушбу гуруҳ аъзоларига ажрим ёқасидаги ва низоли оилалар бириктирилиб, улар билан манзилли ишлар олиб борилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, маҳаллалар кесимида ажримлар кўп қузатилаётган ҳудудларда тарғибот тадбирларини амалга ошириш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилди, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда маҳалла еттилиги масъул этиб белгиланган.

Мақсад, ажримларни юзага келтираётган сабабларни ўрганиш ва бу борадаги муаммоларни ҳал этиш орқали ажримларнинг олдини олиш. Муҳими, ушбу ишлар расмий тадбир сифатида эмас, балки аниқ натижага қаратилган амалий ёндашув асосида олиб бориш керак. Зеро, ҳар бир сақлаб қолинган оила жамият барқарорлигининг муҳим қалфолатиридир. Қолаверса, оилага бўлган муносабат ҳар бир инсоннинг виждонига ҳавола.

ШАФФОФЛИК, ИЛМ ВА ТАРАҚҚИЁТ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚКАМ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири давлат ва жамият ҳаётида очиклик, шаффофлик ва ҳалоллик муҳитини қарор топтиришдир. Айниқса, коррупцияга қарши муросасиз курашиш, давлат бошқарувида адолат тамойилларини мустаҳкамлаш ва жоматчилик ишончини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг асосий мазмунига айланмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришга, балки инсон қадрини улуғлаш, ҳалол меҳнатни рағбатлантириш ва соғлом ижтимоий муҳитни шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Давлат хизматларининг рақамлаштирилиши, электрон платформаларнинг жорий этилиши, очик маълумотлар тизимининг кенгайтириш коррупция хавфларини камайтириш билан бирга, халқнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

Айниқса, илм-фан ва тадқиқот соҳасида шаффофликни таъминлаш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки жамият тараққиёти, иқтисодий ўсиш ва инновацион ривожланиш аввало илм билан, илм аҳли билан боғлиқдир.

Шу маънода, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Ушбу даргоҳда юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, рақамли технологияларни жорий этиш ва иқлим ўзгаришларига мослашувчан илмий ечимларни ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Энг муҳими, марказда фаолият юритаётган олим ва олималар, илмий ходимлар ва тадқиқотчилар ўз меҳнати, билим ва салоҳияти билан мамлакатимиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Илм йўли – машаққатли ва масъулиятли йўл. Тулларни бедор ўтказиб, яланиш ва тахлиллар устида ишлаш, ҳар бир рақам ва хулосанинг аниқлиги учун меҳнат қилиш катта матонат ва фидойиликни талаб этади.

Марказдаги устоз олимлар нафақат

илмий тадқиқотлар олиб бормоқда, балки ёш тадқиқотчиларга илм сирларини ўргатиб, уларни катта ҳаётга тайёрлашда ҳам беқўёқ меҳнат қилмоқда. Илмий муҳитда шаклланаётган ёшлар эса ўз навбатида мамлакатимиз келажаги учун муносиб кадрлар бўлиб етишмоқда.

Бугунги кунда халқаро марказда илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар замонавий инновацион ёндашувлар, рақамли платформалар, GIS технологиялари, сунъий интеллект элементлари ва иқтисодий таҳлил усулларидан кенг фойдаланган ҳолда муҳим илмий ишланмаларни амалга оширмоқда. Бу эса нафақат илмий салоҳиятни оширишга, балки соҳада шаффофлик ва самарадорликни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Марказда шаклланган соғлом илмий муҳит, ўзаро ҳурмат ва ҳалоллик тамойиллари ҳар бир ходимнинг фаолиятида ўзифодасини топмоқда. Чунки ҳақиқий илм – ҳалоллик, фидойилик ва ватанпарварлик билан уйғун бўлгандагина жамият тараққиётига хизмат қилади.

Бугун Янги Ўзбекистонда илм-фанга қаратилаётган юксак эътибор, олим ва тадқиқотчилар учун яратилаётган шароитлар мамлакатимиз келажагига қаратилган муҳим инвестициядир. Зеро, илм бор жойда тараққиёт, адолат ва юксалиш бўлади. Шундай экан, шаффофлик, ҳалоллик ва илмга таянган жамиятни барпо этиш барчамизнинг умумий мақсадимиздир. Бу йўлдаги фидойи олимлар, жонқуяр устозлар ва изланувчан ёш тадқиқотчиларнинг меҳнати эса ҳар қандай эътирофга муносибдир.

Зебо ШОХЎЖАЕВА,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор,
Зибахан СейтИМБЕТОВА,
техника фанлари бўйича
фалсафа доктори.

➔ Бу қизиқ!

ҚУНДУЗЛАР ҚАЙТИШДИ...

Элатимиздан оқиб ўтадиган “Хитой” ариги ховлимизга эллик қадамлар масофада. Тонгда ариқ бўйида айланиб юришнинг завқи бўлакча. Бўралаб оқаётган лойка сув – табиатнинг буюк инъоми. Далаларга ҳаёт бағишлайди, тўйимли озуқалар: экинлар ривожини тезлаштирувчи минераллар олиб келади.

Тонгда ариқ бўйида айланиб юриб, қўзим гўё кемалар каби ёйилма из қолдирганча сузиб кетаётган сув ҳайвонига туши. Бейхитёр “Қундуз!”, деб деб ҳайқириб юбордим. Оила болаликдан таниш бу жониворлар кўринмай қолганига бирор қирқ йиллар бўлганди. “Кўринмай қолишгани”га ўзимиз сабаб, нафсимиз айбдор. Ўтган аср адоғида воҳада мўйнали бош кийими русум бўлди. Шимоллий шаҳарларга саёҳатга борган кишилар болаларига бир ховуч ширинлик олмас олмас, аммо албатта, мўйна телпак кийиб қайтарди. Воҳанинг қаҳратон совуғида мўйнали бош кийими асқотар, яна ялтираб йилгит кишига кўрк бағишларди. Бу орада аёллар орасида мўйна ёқали пальтолар русумга кирди. Мўйна телпагу мўйна ёқали пальтолар киймас аёли қолагидан бандалар кўпайгандан кўпайиши оқар сув ҳавзалари-ю захкашларда бемалол ўзларидан кўпайиб, яшаб юрган борики қундузларга икки йил ичида қирон келтирди. Пулга ҳавасманд кимсалар ёзу куз ва хатто киш ойларида қундузларни овлаб, ер тағидига чуқур илларингача қовлаб, тутиб, терисини шилди, мўйнали кийимлар тикишни бизнесга айлантирган ишбилармон кишиларга пуллашга киришишди. Ўша вақтда бир дона тери ўн сўм атрофида баҳоланган. Қўшни қишлоқлик бир йилгит кузу киши тиним билмай, қундузларга қирон солиб, яп-янги “Москвич” машинаси харид қилганини эшитганмиз.

Ўша вақтдаги бошқарув тизимида табиатни қўриқлаш жамиятими, қўмитасими дегани бўларди, аммо афсусларлариси, бугун бир сув ҳайвонлари туркуми йўқ бўлиб кетишига улар томошабин бўлиб туришди, холос. Ахир, ўша даврларда қундузу ондатра терилари очик-ойдин сотилганига гувоҳ бўлганмиз. Шонрлар эшларидега қизларнинг сочларини қундузга қиёслашгани бежиз эмас. Табиатда мўйнаси тун каби қора бўлган жонзот йўқ қундуздан бошқа. Яна бу қора тус турлича товланади ҳам. Қизларга Қундузхон, Қундузқўй исмлари берилиши ҳам ўша замоналардан қолган.

Оролбўйи минтақасида бу сув жонивори минг йиллардан бунён табиатнинг ажралмас бир бўлаги, гўзаллик рамзи сифатида одамлар билан ёнма-ён яшаб келган. Ўтган асрнинг ўрталари, аниқроғи 1952 йилда олимлар тавсияси билан Орол денгизи дельтасига АҚШдан бир неча юз бош ондатра келтириб, қўйиб юборилди. Ондатра қундузсимонлар туркумига кирувчи сув жонивори бўлиб, у маҳаллий қундуздан каттароқ ва яна мўйнаси қалин. Денгиз дельтасидаги қамишзорларда



тез ўтқоқлашган ондатра шу тахлит беш-олти йил ичида кўпайиб, дарё бош оқими томонга ҳам тарқай бошлади ва ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб бутун воҳадаги сув ҳавзаларини эгаллаб олади. Айни ўша даврда Нукусда мўйначилик хўжаликлари ташкил қилиниб, қисқа фурсатда саноат даражасига етади. Расмий маълумотларда ўша даврда ҳар йили ўргача 3 миллион дона ондатра мўйнаси етиштирилган, унинг бир қисми бошқа ҳудудларга сотилгани қайд қилинган. Маълумот учун, қундузсимонлар оиласида унинг ондатрадан ташқари норка, (шу номдаги телпак ва пальтолари эсланг) нутрия каби турлари бор. (Раҳматли қайнотаморқасида кичкина ховучча қаздириб, нутрия боқардилар. Нутрия чиroyли мўйна беришдан ташқари гўшти парҳез таом ҳисобланиб, турли шомоллаш хасталиклари учун қони фойда ҳисобланади).

...Табиатнинг ўзини ўзи қайта тиклаш қонуни бор. Қачонки, бунга етарлича шароит ва албатта, хавфсиз муҳит бўлса. Юртбошимиз ташаббуслари билан сўнгги йилларда она табиатни асраш, барча ҳудудларда “Яшил макон”лар барпо этиш жараёни аввало экологик таҳлика ҳудуди ҳисобланиши қўйилган моратория сабаб мисли ўрмон тусига кирди. Айни шу шароит қундузларни қайтарди, деб бемалол айтиш мумкин. Ҳозирча қундузлар (улар орасида ондатралар ҳам учраяпти) унчалик кўп эмас. Аммо бу жониворнинг кўпайиши тезлиги юқори (бир йўла беш-олтигагача бола туғади) эканини эслатсак, яқин уч-тўрт йилда барча сув ҳавзаларини “ўз уйлари”га айлантиришларига ҳеч шубҳа йўқ. У ёғида эса... мўйначилик, парҳез таомлар учун боқиб оқилан мўйма даромад топиш мумкин бўлади. Фақат табиат меъёрини бузмаган ҳолда, албатта. Ҳозирча қадим қўшниларимиз бўлиши қундузлар қайтганига қувониб тураемиз.

Рўзимбой ҲАСАН

➔ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

МУРҒАК ҚАЛБЛАР ХОТИРЖАМЛИГИ – РУҲАН СОҒЛОМ АВЛОД ДЕМАК

Поп туманининг Санг қишлоғи Муқимий МФИда жойлашган 33-давлат мактабгача таълим ташкилотидега вилоят миқёсида ўтказилган “МТТда ҳиссий-иродавий ҳолатни барқарорлаштиришда самарали ёндашувлар” мавзусидаги ўқув-амалий семинар ана шундай эзгу мақсадни ўзида мужассам этди. Мазкур семинарда мактабгача таълим ташкилоти методисти Одина Расуллова, психолог Наргиза Мансурова, шунингдек, туман ва вилоятдаги МТТлар педагог ҳамда психологлари иштирок этди.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли замонда болага фақатгина билим берсак, адашамиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Агар биз фарзандларимизни боғчадан бошлаб тўғри тарбияламасак, кейин кеч бўлади”. Тўғри тарбиянинг асосида эса боланинг руҳий дунёси ва ундаги ҳиссий барқарорлик туради.

Ҳиссийлар бошқаруви. Нега бу муҳим?

Биз кўпинча боланинг интеллектуалга ургу берамиз, лекин унинг қўрқувлари, ҳаяжони, ўзига бўлган ишончининг қўч даражада эканига камроқ эътибор қаратамиз. Семинарда намойиш этилган “арт-терапия” машғулоти борадаги қарашларни тубдан ўзгартирди. Ранглар, шакл ва ижодий



фаолият орқали болажонларнинг ички дунёсидаги туғулганларини ечиш, уларни мулоқотга тайёрлаш жараёни педагоглар тамонидан маҳорат билан кўрсатиб берилади.

“Арт-терапия” – санъатнинг бирор тури орқали даволаш. У қандай амалга оширилади? Ижод инсон учун ўз ички дунёсига кириш ва ўзини англаш имкониятларидан биридир. У бизни қалбимизнинг энг яхши, яъни, энг ёруғ, бой ва самимий жабҳаларига муружаат этади. Бола ёзаётганда, чинаятганда, лойдан буюм ясаётганда ёки бошқа санъат турларида ўзини намоеён этаётганда, бу унга бўшашиш, ўзини кўрсатиш ва озгина бўлса ҳам ўз қалби, руҳияти билан, яъни ўз-ўзи билан уйғунликда бўлишга имконият беради. Бошқача айтганда, санъат дарслари инсонга таъсир кўрсатаётган салбий ҳис-туйғулар, жумладан, тажовузни бартараф этиш ва унинг



руҳиятини ижтимоий мақбул шаклда озод қилиш имконини беради. Санъат дарслари ўзини тутта билиш ва ўзини тарбиялаш туғғусини ривожлантиришга ёрдам беради.

Амалиёт – энг яхши сабоқ

Семинар шунчаки назарий мавзулардан иборат бўлмади. Иштирокчилар бевосита гуруҳларга бўлиниб, тарбияланувчилар билан ўтказилаётган ўйинлар ва психологик машқларни қузатдилар. Болаларда иродани шакллантириш, қийинчиликларини енгишда ҳиссий барқарорликни сақлаш усуллари амалий мисоллар билан тушунтириб берилди. Айниқса, тарбиячиларнинг болалар билан ўзаро самимий мулоқоти, ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ёндашиши мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз мумкинки, семинар якунида бир ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топди: МТТ бу шунчаки бола вақтинча қоладиган жой эмас, балки шахснинг руҳий пойдевори қўйиладиган муқаддас даргоҳ. Нодира Суропова директорлик қилаётган 33-сонли МТТ жамоаси бунни теран англашади.

Наргиза ҚАМБАРОВА,
Поп туманидаги 33-давлат мактабгача таълим ташкилоти мусиқа раҳбари.

➔ Эълонлар

04-01/10464 рақами билан 1993 йил 27 январда Фикшин Александр Акимович номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

00-21/818 рақами билан 1993 йил 5 мартда Беляев Юрий Валентинович номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

22-05/1107 рақами билан 2020 йил 25 февралда Карванова Фарида Аминовна номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Унинг номи дўстлар, ҳамкасблар даврасида, махфию анжуманларда мунтазам, деярли ҳар куни тилга олинади, у билан боғлиқ бирор воқеа эсланади

1999 йил. Баҳор охирида, ёз яқинлашаётган найсон кунлари эди. “Қишлоқ ҳаёти” газетаси тахририятида иш бошлаганимиз ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ. Бир куни баногоҳ телефон жиринглади.

– Мен сизни асарларингиз орқали сирдан яхши танийман. Эҳтимол сиз ҳам мени биларсиз, Шодмон Отабекман,

– дея таништирди ўзини сим ортидаги киши саломалиқдан сўнг.

– Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)да бирга ўқиган дўстингиз Абдунаби Бойқўзиевнинг айтишича, кучли шахматчи экансиз. Сизни яқинда матбуот куни муносабати билан Мирзо Улуғбек боғида иждодкорлар ўртасида ўтказиладиган шахмат мусобақасига таклиф этмоқчиман. Албатта келинг, шу бахонада яқинроқ танишамиз...

Мен ҳам уни таниқли радиожурналист, кейинроқ “Хабар” газетасининг бош муҳаррири ва иждодкорлар ўртасида маълуму машҳур “Дўрмон хангомалари” китоби муаллифи сифатида билсамда, бирон марта юзма-юз учрашмаган эдим. Таклифни бажонидил қабул қилдим ва айтилган куни белгиланган манзилда, тайинланган вақтда ҳозир бўлдим. Ўртадан пастроқ бўйли, мўъжаз жуссали, пешонасидаги холи кўзга дарҳол ташланадиган, очик чехралиги боисдан қирқимиллиги сезилиб турган бу одам билан биринчи қўришувдаёқ қадрдонлашиб кетдик ва шу тарика биродарлигимиз қарийб чорак аср давом этди.

Таниқли журналист ва адиб Шодмон Отабек ҳаёт бўлганида айни кунлар 80 ёшни қаршилаган бўлар эди. Надоматким, у икки-уч йил олдин, мана шу қўллуғ айёмга озгина қолганда чин дунёга риҳлат этди. На илоҳ, Парвардигор ҳар бир бандасига умрни ўлчаб берар экан. Аммо...

Улуғ алломаларимиз айтганларидек, умрлар бўладик, соҳибни жисман орамизда бўлмасада, руҳан яшашда давом этади. Унинг номи дўстлар, ҳамкасблар даврасида, махфию анжуманларда мунтазам, деярли ҳар куни тилга олинади, у билан боғлиқ бирор воқеа эсланади. Сабаби, бундай одамлар ўз вақтида ана шундай йиғинлар, файзли давралар, жонон суҳбатларнинг ташаббускорларни ташкилотчиликчилари бўлишган, мудом биродарлар, улфату ошанлар бошини қўвўштириш ташвишида яшаган. Улар ҳақида гап кетганда ўта оддий ва айни пайтда беихоҳ сермазмон, халқона оҳангда “давранинг гули” эди, деган ташбеҳ ишлатилади. Шодмон ака ана шунақа инсонлардан эди. Аксар иждодкорлардан айни маънода кескин фарқ қиларди. Бундай дедётганимнинг сабаби иждодкор мардуми одатда руҳшунослар таъбири билан айтганда, интровка, яъни ёлғизликни хуш кўрувчи, кўпроқ вақтини хилватда, илҳом париси билан ғойибона ҳамроҳликда ўтказишга мойил бўлади, устод Эркин Воҳидов ёзгани каби: “сен бору мен бор қалам бор, ўртада бегона йўқ”, қабилида. Бироқ...

Ҳар қандаю таомилнинг истисноси бўлгани каби, иждодкорлар орасида экстравертлар, яъни мудом яхши дўстлар даврасида бўлишни, дилбар мулоқотлардан баҳра олишни, илҳомланишни афзал биладиганлар ҳам анчанмуноча топилади. Шодмон ака шу тоифадан эди. Қачон қўрманг, бирор янги ижодий мулоқот, наватбадаги “гап” ёки иждодкорлар ўртасидаги шахмат мусобақасини уюштириш, бунинг учун саховатли бир хомий топиш ва ғойибонани муносонб даражада муқофотлаш гамда юрарди. Бундай мусобаҳа ва мусобақаларни ўтказиш учун ўз ўзин, қорбоғини, ўз оиласи аъзоларининг вақту кўчилини ҳам аямас, хонадонни ва ифодали қилиб изоҳласак, кўнгил қалъасининг эшиклари бунинг учун ҳамisha лағз очик эди. Бир гал улфатлардан бири сўлим ёз кунарида унга: – Туғилган кунинми сизнинг Хумсондаги қорбоғинида ўтказсам майлими, – дея мурожаат этганда, сира ўйлэм ўтирмадган: бажонидил, масаллиқларини опелсангиз, ошовқатни тайёрлаш, хизмату йиғиштирсиништиригача ўзимиз тептекинча қилиб берамиз, – деди.

– Шу... кейинги пайт сал камхаржроқ бўлиб турибман. Масаллик, дастурхон носоньёмгалари ва... бирор янги ичимлик борасида ҳам ёрдам бериб туролмайсизми, – деди бўлажак тантана айбодори.

Шу ерга келганда Шодмон ака чидолмади: – Э оғайни, инсоф ҳам керак. Лоқақл ичимлигини ўзингиз олиб келингиди! Орадаги бу мулоқот даврадош улфатларнинг одадаги ҳазили эди, албатта. Бироқ... “Дўрмон хангомалари” номли аjoyиб асари (шу чоққа орти марта қайта айтилган) билан ўзбек адабиёти тарихига Алишер Навоидан бошлаб, Ойбеку Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжону Абдулла Қаҳҳорлардан тортиб, қўлаб таниқли шоирю адиблар, журналистлар ҳаётидаги кулгили воқеалар, ҳазилмутойибалар тўловчисини сифатида кирган Шодмон Отабекда ҳаддан ортқик оққўнгиллигини ёки содаллиқини жонибидан юмор туйғуси камроқ, яъни керагидан ортқикроқ даражада жиддий эди. Кўпинча ҳазил гапни ҳам тўғриликча тушунарди. Бунга бир мисол... Ўтган аср охиридан бошлаб, янги асрнинг дастлабки йиллари унинг Хумсондаги ўша маълум ва машҳур сўлим дачасида Эркин Воҳидов, Иbroҳим Ғафуров, Бахтиёр Назаров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Носир Муҳаммад, Мирпўлат Мирзо, таниқли мусаввир Алишер Мирзо, Меҳмонқул Исломқўлов, Сайди Умиров, Дадахон Нурий, Ёқубжон Хўжамбердиев, Баҳодир Муродалиев, Зухриддин Исомиддинов, Носиржон Тоштовлар, Сайид Сиддиқов ва бошқалар йиғилишиб, суҳбатлашиб, шахмат ўйнаб турган кезларимиз. Угом дарёси соҳилидаги шийпончада супа устига гилам солиниб, қалин қўрпачалар тўшалган. Етгисаксиз чоғли улфат



Суратда: чапдан Носир Муҳаммад, Иbroҳим Ғафуров, Шодмон Отабек, Ҳабиб Темир, Эркин Воҳидов, Ашурали Жўраев.

➤ Ёзувчи Шодмон Отабекни хотирлаб ДИЙДОР ОШУФТАСИ

узун хонтахтаннинг икки томонида тизилишиб шатранж жанги билан машғулмиз. Бир пайт Эркин ака мутойиба қилди: – Шодмонбек, ерда ўтиришдан чиқиб кетиб-миз шекилли оёқ уюшиб қоляпти. Шу... сизга ўн кишилик стол-стул олиб келиб беришим керак экан, деб ўйлаб турибман...

Давра ахли табиики, Шодмон акадан: “ташвиш тортманг устоз, янаги келишингизга бу масалани ўзимиз хал қиламиз”, деган гапни кутди. Аммо Шодмон ака бу гапни мутлақо жиддий қабул қилдимиз ёҳуд бир ҳазиллашгиси келдимиз, ҳар қалай:

– Қачон олиб келасиз, – деб сўради мутлақо жиддий чехра билан. – Аниқ кунини айтсангиз, вақтлорроқ келиш, шу ерда ҳозир бўлиб турар эдим.

– Ҳўв, Шодмонбек, қизиқмисиз, унақа дарвор ёқадан олмангда, ўзимиз ташки қиламиз, десангизми, – гап қўшиди қорбоғ соҳибининг шахардаги “дом”да рўпара қўшнисини ва энг яқин дўсти бўлган Носир Муҳаммад. – Улар жойда эмасмику ахир! Ҳазилини тушунасизми? Шодмон Отабек бўш кетмади:

– Тўри улар жойда эмасмиз, ҳазилниям салпал тушунамизу устозники табарруқда, Насриддин. Шунинг учун...

– Бўлди, гап битта, – деди Эркин ака.

Урадан ўн бешйигирма кунлардан сўнг Хумсонга янаги ташриф маслаҳатини қилаётганимизда Эркин акадан сўрадим: – Устоз столстул масаласи хал бўлдимми? – Албатта, ўша куннинг эртасигаёқ етказиб берилган...

Ана шу табарруқ столстулда Эркин аканинг ўзи иштирокида, у киши ўтганларидан сўнг ҳам анча йиллар ўтириб, устозни эслаб, ҳақларига дуо қилиб, шахмат тахтаси узра дона суришди. Қай бир куни Шодмон акага: “ўшанда сал... бети қалинлик қилинмаганмиди?”, деган оҳангда савол бердим: – Устозлар хайру саховатидан баҳраманд бўлишнинг айби йўқ. Қолаверса, бу ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири, сенатор Эркин Воҳидовнинг инсон сифатидаги камтарлиги, хайру саховати ва мурувватининг қўлаб мисолларидан бири сифатида тарихга кирди. Қай бир куни Шодмон ака одадига кўра мутлақо жиддийлик билан. Ва... Бир замоналар яна бир улуг инсондан мана шундай бетакорр ҳиммат қўрганини миннатдорлик ва ғурур билан ҳиқоя қилиб берди:

– Республика радиосида янги иш бошлаган кезларим эди. Таниқли адиб, ҳамюртим, яъни асли Андижонлик Буюлқоши туманидан бўлган Мирзақалон Исмоилий билан қадрдон эдик. Бир гал суҳбат чоғи уйбоқ шароитин ҳақида сўраб қолди. Мен оилам билан тузукроқ ижара тополмай, қийналиб юрганимни айтдим. “Бизнинг ҳовлига кўчиб келинг. Битта хонани бўшағиб берамиз. Уй олганингизча бемалол яшаб турасиз”, – деди устоз. У киши Тошкент марказидаги Асака кўчасида яшар эди. Ҳимматларини қарангки, хонадондан жой бериш билан чекланмасдан, мени оилам билан ҳовлисига расман рўйхатга ҳам ёздирди қўйди. Орадан бир муддат вақт ўтиб у кишининг ҳовлиси бузиладиган бўлди ва расман рўйхатдагиларнинг барчасига, шу жумладан, каминанага ҳам Қорасўдан кенг-мўл алоҳида квартира берилди. Шу тарика улуг бир инсоннинг марҳамати билан

камина оддий муҳбир пойтахтда ўзимнинг мўъжаз ватанимга эга бўлиб қолдим.

Дарвоқе... Шодмон Отабек республика радиосида ишлаган кезлари ўзбекистоннинг аксар шахару қишлоқларини қадамбақдам кезиб, ажойиб лавҳалар, репортажлар тайёрлади. Айниқса, унинг таниқли мутахассислар, олиму иждодкорлар билан қилган турмазмон суҳбатлари алоҳида диққатга сазовор. Уларнинг аксарияти мамлакатимиз журналистикасининг аудиохазиносидан муносиб ўрин эгаллаган. Жумладан, улуг шоиримиз Эркин Воҳидов билан турли йилларда ўтказган туркум интервьюларидан бир нечасини каминана шахсан тинглаб чуқур ва кенг таассурот олганмиз. Ўйлайманки, республика радиоси тахририяти ана шу суҳбатларни такрор эфирга берса, ёш иждодкорлар, қолаверса, элимизнинг жамики навқирон авлоди учун гоёт қизиқарли, ибратли, ўзига хос сабоқнома сифатида жаранлаган бўлар эди. Зеро, ўша суҳбатларда закий иждодкор, маҳоратли журналист Шодмон Отабек ўз суҳбатдошлари қалбидан энг нозик торларни черта олган, энг самимий ҳустўйгуларни уйғотиб, юракларга чуқур кириб борадиган ва мустаҳкам ўрнашадиган энг теран изҳорларни юзага чиқара олган. Унинг бир қадар содаллиги, бироз жайқарилиги замирида кишини ўзига дарҳол мафтун этадиган жозибали бир самимият мужассам эди. Кейинроқ у республика радиоси матбуотининг ўша кезларидики байроқдорларидан бўлиши “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Оди Ёқубов, Иbroҳим Ғафуровлар қаноти остида яйраб ишлади. Таниқли иждодкор сифатида шакланди. Устозларга садоқат, дўстларга меҳроқибат ва энг мураккаб мушуқл дамларда дадиллик билан бетўхтов ёрдамга келиш – Шодмон Отабек феълидаги бебаҳо фазилатлардан бири эди, десам адашмасам керак. У билан яқин бўлганларнинг барчаси бу фикрни тасдиқлайдилар, деб ўйлайман. Шахсан ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа: 2012 йил февраль эди. Газеталарнинг йўлда, медиа майдонида анчайин фаол аёл журналист матбуотда каминанинг бир асари юзасидан танқидий мақола эълон қилди. Ўша кунда, бу ҳақдаги хабар келган пайти тушлиқдан сўнг “Қишлоқ ҳаёти” тахририятидаги хизматхонамда одадтагидек Шодмон ака билан шахмат ўйнаб ўтирган эдик. Дарҳол газетани топиб келишим, мақолани бирга ўқидик. Танқидчи хоним муаллифини ўта очик тасвирлар, ҳатто порнографияда айблаган, бу китобхонларнинг, айниқса, ёш авлоднинг ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши муқарраллигини иддао қилган ва афсуски, ахлоқ ҳимоясига бел болаган синглимиз мақола давомида қизишиб кетди, каминана шайнга ҳақоратомуз жузумлар ишлатган, мунозара маданияти доирасидан анча четга чиқиб кетган экан. Қизиги, сал олдинроқ айнан Шодмон Отабек “Хуррият” газетасида худди шу қисса ҳақида “Тасвир тиник, оҳанг самимий” сарлавҳали ижодий таъриқ ёзган эди. Умуман у ижтимоий ҳаётга фаол аралашувчи хозиржавоб журналист бўлиш билан бирга адабий жараённи зийраклик билан кузатиб, қизиқарли тақрирлар ёзиб турувчи зукко адабиётшунослардан бири эди.

– Бу мақола менга эмас, асли сизга қарши ёзилган, – дедим ҳазиллашиб. – Қаёқдан ҳам мақтадингиз одамни балага қолдириб.

– Бу ғаразли ва ўта савиясиз мақола кимнингдир бюртмаси билан ёзилган. Газета ва мақола муаллифини судга бериш ва жарима тўлатиш ҳамда узр сўраттириш керак, – деди қатъият билан Шодмон Отабек. – Агар сиз андиша қилсангиз, ўзим мурожаат қиламан судга. Андишасиз муаллиф ва тахририятдан сизга етказилган маънавий зарарни қоллаш учун камида эллик миллион талаб этамиз. Фақат битта шартим – судда ютилган маблағнинг бир тийинини ҳам қолдирмасдан улфатларга сарфлайсиз, келишдикми?

– Келишдик... Алқисса суд бўлди ва жавагор томон каминадан узр сўрашиб, қонунга биноан рамзий бўлса-да, ҳар қалай муайян миқдорда жарима тўлашди. Бу пул нари борса Шодмон ака иккаламиз овқатландиган парҳез таомлар ошхонасида икки марта тушлик қилишимизга етарди. Лекин...

– Ваъдага вафо – марднинг иши, – деди Шодмон ака. – Даврадошларга эса қоларли қилиб эрийсиз. Гап битта!

Хуллас... Мухтарам устозлар – Эркин Воҳидов ва Иbroҳим Ғафуров, шунингдек, таниқли шоирю адиблар – Носир Муҳаммад, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шодмон Отабек ҳамда каминана ўша чоғлар эндигина юра бошлаган “Афросиёб” тезорат поезида қадимий ва хамиша навқирон шахарга уч қуллик завқли сеҳнатга бориб келдик. Йўлиўлақай шахмат суришиб, қайним Фуркат Раҳматовнинг хусусий меҳмонхонасида қўниб, кўхна обидаларни знеърат қилиб, Зарафшон дарёси бўйидаги сўлим гўшаларда хордик ёздик. Дарвоқе, бу сафар тафсилотлари “Дўрмон хангомалари” китобида ўз инъикосини топган. Шу тарика Шодмон аканинг ҳақиқий жўрабашларга хос ислати туфайли дебёчаси ноҳуш, хулосаси, ҳар тугул хайри бир воқеа ҳаётимдаги унутилмас ёқимли хотирага айланди. Унинг баъзиларга унчалик хуш келмайди-ган яна бир ғалати одати бор эди. Санитария ва гигиена қодаларига қаттиқ амал қилар, жомоат емақхоналарида, тўйларда овқатландиришдан олдин қўйилган қошиқсанчқиларни ҳафсала билан қайтадан тозалаб артар, иложини топса ювар, шунингдек, икковора лагандаги паловнинг ўзига тегишли қисмини аввалдан ажратиб олиб, шерингнинг қошиги тегиб кетишига йўл қўймасликка тиришар, яъни вирусу микроблардан сақланишга ҳаракат қилар ва афс, дўстлар буни тўғри тушунарди. Аммо адбидус, қаршинидаги кўриниб турган “микроб”лардан сақланолмас, яъни барча кўнгилчан, ишонувчан одамлар сингари ўқитиўқтин анови “Ахмадбой воқеаси”даги каби фарибгар кимсаларга алданиб қолар, машаққатли меҳнати билан тийинлаб йиққан сармоясини бой бериб кўяр, бундан бошда қаттиқ куйнар, “нега бу дунёда виждонсиз одамлар бунчалик кўпа?”, дея ёзигар, аммо тезда ўзини ўнглаб, яна ўзининг машаққатли меҳнатини қолган жойидан мардонаворлик билан давом эттирарди. Мунтазам ижодий иши, яъни ҳиқоялар, қиссаю пьесалар яратиш билан бирга журналистик фаолиятни матонат билан давом эттириб, турли долзарб мавзуларда мақолалар тайёрлар, аудисоҳбатлар ўтказар, “Дўрмон хангомалари”нинг давоми учун ёдномалар ёзиб олар, наشريётга қатнаб, чоп этилиш арафасидаги китобларини қайтақайта кўздан кечирар, бундан ташқари, тахририятматахририй юрди, арзиманмиқдордаги гонорарларию китоб дўқонларида сотилган китобларининг пулини йиғишдан эринмас, “халол меҳнат ҳақи баракали бўлади, уни тийин-тийингаича ундиришдан орланмаслик керак”, дерди. Ҳолбуки...

Уни “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” ва зукко иждодкор ҳамда таърибали устоз (бир пайтлар Маданият институтида ўқитувчилик ҳам қилган) сифатида қатор олий ўқув юртлари тузуқини маош тўланадиган доцентлик лавозимига таклиф этишар, у эса эркин ва фаол иждодкорликни афзал билиб, тақлифларни рад қилар ва том маънода игна билан қудуқ қазийшдан тўхтамасди. Бу машаққатли жараён ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида, ўзининг Чорвоқ ва Хумсондаги дала ҳовлиларида, Юнусободдаги хонадонда, ҳатто биргаликдаги турлитуман сафарларимиз чоғида умрининг сўнги дамиригача узлуксиз давом этди. Шунинг ҳосиласи ўларок... Шодмон Отабек салмоқли ижодий мерос қолдириди. Дўстэронлар мудом ҳазиллашиб, башорат қилганларидек, адабиёт ва журналистика тарихига ўзига хос қаламкаш, шу билан биргаликда юзлаб иждодкорлар ҳаётининг завқу шавққа тўла лаҳзаларини акс эттирувчи ва аксар ҳолларда “Бир куни Ғафур Ғулом...” қабилида бошланувчи ва “Ҳамма кулиб юборди”, дея ниҳояланувчи ёрқин лавҳалардан иборат ўлмас таъриралар муаллифи бўлиб кирди. Даврадошлар, уни яқиндан билган барча инсонлар эса қаттиққўл “жўрабоши”, жонон суҳбатларнинг жони, юқоридагига ўхшаш унутилмас учрашувару турунларнинг толмас ташаббускори ва ташкилотчисини, ифодали қилиб айтсак, бир умр дийдор ошуфтаси бўлиб яшаган бу беназир инсонни ҳеч қачон унутмасликларига шубҳа йўқ. Наник унутмайдилар, балки унинг бетакорр фазилатларини ибрату намуна олиш учун ўз фарзандларига неварра, чевараларига мудом сўзлаб юрадилар, деб ўйлайман.

Ҳабиб ТЕМИРОВ

Математика оламни билишнинг асоси бўлиб, у теварак-атрофдаги ҳодисаларнинг ўзига хос қонуниятларини очиб беришда, ишлаб чиқариш, фан-техника тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Математик таълимга компетенция ёндашуви ўқувчилар томонидан жамяиятдаги касбий, шахсий ва кундалик ҳаётда дуч келадиган вазиятларда самарали ҳаракат қилиш имконини берадиган турли кўникмаларни эгаллашни назарда тутлади.

МАТЕМАТИКАНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Компетенцияга асосланган ёндашувда математик таълимнинг асоси амалий йўналишларни мустаҳкамлашга қаратилган. Таънқ компетенцияларни шакллантириш ва кичик ўқув тадқиқотларини яқунлаш орқали ўқувчиларнинг умумтаълим фанларини ўрганишига бўлган қизиқишини кучайтириш мақсадида фан ўқув дастурларига амалий машғулотлар ҳамда амалга ошириш ва лойиҳа ишлари киритилди. Бу ҳолат аниқ бир ўқув предметини ўзлаштириш сифатини ошириш билан бирга фаннинг фанларро ва кундалик ҳаёт билан боғланишига кенг имкониятлар очади ва таълим самардорлигини оширади. Математика дарсларини ташкил этишда назарияга қараганда амалиётга кўпроқ эътибор бериш ва ўқувчиларни тайёр ўқув материаллари билан таъминлашга асосланган ёндашувдан маълум даражада воз кечти зарур. Математика дарсларида кейс, тадқиқот, лойиҳа, кичик ўқув кашфиёти каби интерфаол усуллардан кўпроқ фойдаланиш тавсия этилади. Ўқувчиларда кичик тадқиқот кўникмаларини шакллантиришда кузатиш, тажриба, ўлчаб, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш ва аналогия каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланиш зарур.

Математика ўқитишнинг асосий вазифалари: – ўқувчиларнинг математик тушунчалар, ҳоссалар, шакллар, усуллар ва алгоритмлар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашни таъминлаш; – математика фанининг инсон камолоти ва ижтимоий ривожланишидаги аҳамиятини, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тушуниш, математик билим ва кўникмаларни кундалик ҳаётда мувофақиятга қўлаш, ўрганишга ўргатиш;

– ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантиришда муствакил таълим кўникмаларини шакллантириш;

Мақтабда математика таълимини янги сифат босқичга олиб чиқиш мақтаб ўқитувчиларининг салоҳияти, касбий маҳорати ва иждодкорлигига бевосита боғлиқ. Бинобарин, математика ўқитувчиларининг малакасини ошириш, уларни замонавий таълим метод ва технологиялари билан жиҳозлаш математика таълим олдида турган долзарб масалалардан биридир. Математика фанига қизиқиш уйғотиш ўқитиш услубининг юксак савиясига, ўқув-тарбия ишларининг қанчалик маҳорат билан қурилганлигига боғлиқ. Ҳар бир ўқувчи дарсда фаол бўлиши, завқ билан ишлаши ва билимга бўлган иштиқининг пайдо бўлиши ва ривожланишидан бошлангич нукта сифатида фойдаланиши, билимга бўлган қизиқишини чуқурлаштиришга эътибор қаратиши керак. Бу, айниқса, ўсмирларнинг у ёки бу фанга бўлган доимий қизиқишини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу вақтда математикани тезда қўлаш керак. Ёшларга математика фанини ўргатиш учун ўқитувчи ушбу фанларни яхши билиши, ўқитиш усулларидан моҳирона фойдалана олиши зарур. Шу билан бирга педагогика, психология ва бошқа фанлардан чуқур билимга эга бўлиш зарур. Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, математика дарсларида ўрганиладиган ҳар бир математик хулоса қатъийликни талаб қилади. Бу эса ўз наватида қўлаб математик тушунчалар ва қонунлар билан ифодаланади. Ўқувчиларнинг бу қонуниятларни босқичма-босқич ўрганиши жараёнида уларнинг таваққури ривожланиди, математик хулосалар чиқариш маданияти шаклланиди.

Математикага қизиқиш уйғотиш ўқитиш методикаси сифати ва ўқув фаолияти даражасига боғлиқ. Ҳар бир ўқувчи дарсда фаол ва завқ билан ишлаши, билимга бўлган иштиқининг пайдо бўлиши ва ривожланишидан бошлангич нукта сифатида фойдаланиши, ўрганишга қизиқишини чуқурлаштиришга эътиборини қаратиши керак.

Маҳлиё ҚУРБОНОВА,
Хуршида ТОШПЎЛАТОВА,
Ғузор туманидаги У. Уватов номидаги 1-мактаб ўқитувчилари.

Эълонлар

Сирдарё вилояти Оқ оптин тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2026 йил 9 февралда 3119833-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “OQ OLTLN HUMMINGBIRD” (СТИР: 312786391) МЧЖга Фарғона тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2025 йил 02 ноябрда 2994729-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган “OQ OLTLN CORNFLEX” (СТИР: 312376411) МЧЖ ҳамда Мирзачўл тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2025 йил 16 октябрда 2976994-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган “OQ OLTLN PLANTS IMPEX” (СТИР: 311790706) МЧЖ қўшилиши муносабати билан “OQ OLTLN HUMMINGBIRD” МЧЖ “OQ OLTLN CORNFLEX” МЧЖ ҳамда “OQ OLTLN PLANTS IMPEX” МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари йўлчи ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мурожаат учун тел: +99894) 987-90-90.

“FARIZA-T.T” МСЖга 59-рақам билан 2003 йил 15 январда берилган мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

03-02/3011 рақами билан 1993 йил 4 февралда Блохин Анатолий Иванович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti
MUASSISLAR:
O‘zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi
kompleksi tarkibidagi hamda
boshaqa daxldor vazirlik
va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:
Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV,
Eshmirza ABDULLIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan.
Hajmi 2 bosma ta’abq. Ofset usulida bosildi,
qog‘oz bichimi А.2. Nashr indeksi – 144.
Buyurtma G-517. 1320 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dizayner: Маркк YUSUPOV.

Tahririyat manzili:
Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadordlik
kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: "Buyuk Taron" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7031

Boshigsha topshirish vaqti: 21:00
Boshigsha topshirildi: 19:30